

Амалдаги Низом асосида иш курувчи, кейинчалик "Ижрочи" деб юритилувчи «Шодиёна тантаналар Аутсорсинг» МЧЖ номидан иш курувчи А.Абдуразақов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш курувчи, кейинчалик "Бюртмачи" деб юритилувчи Вилоят болалар силга карши курашиш санаторияси номидан бюджет ташкилоти рахбари А. Ботиров иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тугрисида туздилар:

#### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Ижрочи" мазкур шартнома буйича "Бюртмачи"га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш, «Бюртмачи» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Етказиб бериладиган маҳсулотларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати шартноманинг иловасида келтирилган.

#### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

№	Товар ёки маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқ-дори	нархи (сўм)	Жами сўмма (ККС сиз)	Етказиб бериш муддати
1	Нон 1-нав 0,5 кг	дона	2800	1750	4 900 000	Январ
	жами				4 900 000	

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 4 900 000 (Турт миллион туккиз юз минг ) сумни ташкил этади.

2.2. «Бюртмачи» олинadиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда курсатилган, яъни 30 фоиз аванс туловини олдиндан олинadиган маҳсулот учун «Ижрочи» ҳисоб рақамига утказиб беради.

2.3. «Ижрочи» тегишли даврда томонларнинг узаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс туловидан сунг 30 кун муддатда маҳсулотларни «Бюртмачи»га етказиб беради.

2.4. «Бюртмачи» тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ булмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул утказиш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

2.6. Маҳсулотларни нарх навони бюджет ташкилоти мустақил равишда белгилайди танлов ёки тендер асосида.

#### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Ижрочи"дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинadиган маҳсулотлари "Бюртмачи"га транспортда ташилганда "Ижрочи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Ижрочи"дан мазкур шартномага мувофиқ берилadиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Ижрочи"дан талаб қилиш.

уз буюртманомаси буйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Ижрочи" куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан 30 фоиз туланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Бюртмачидан талаб қилиш;

"Бюртмачи"га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Бюртмачи" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Бюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.